

СОҲИБҚИРОННИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОРАСИДАГИ САЛОҲИЯТИ

А.ЖЎРАЕВ, Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Соҳибқирон Амир Темур қурган буюк давлатчилик жаҳон тарихида улкан из қолдиргани билан муҳим аҳамият касб этади. Амир Темурнинг давлатни бошқариш услуби ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, давлат бошқарувида стратегик жиҳатлари бугун дунёда ўрганилиб келинмоқда. Амир Темур бугунги даврда нафақат тарихимизни гавдалантиради, балки жамият бошқарувида, уни шакллантиришда тажриба сифатида асқотади. Соҳибқирон Амир Темурнинг суврати ва сийрати ҳақида кўплаб тарихий асарларда маълумотлар учрайди. Буюк ўтмишимизга дахлдор бундай маълумотларда Амир Темур сиймосининг нафақат жаҳонгир, қудратли давлат асосчиси, балки баркамол шахс сифатидаги улғувор ишлари ҳам гавдаланади. Амир Темур шахси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва юртпарварлик руҳида тарбиялаш учун ҳам буюк ибрат намунаси бўлиб хизмат қилаётир. Шунингдек, Амир Темурнинг «тузуклари» миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси ҳисобланиб, давлат бошқарувимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатни бошқаришда 12 тузукка амал қилишни «Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўригим шулки, мен 12 нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу 12 тузук ёрдамида мамлакатни қўлимда тутиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Менинг ва ўзларининг давлату салтанатларини эҳтиёт қилсинлар»¹. Улар куйидагилардир:

Исломот динининг шариат қоидаларига амал қилди.

Мамлакатдаги 12 табақа ва тоифадаги кишилар билан бамаслаҳат иш кўрди.

Бошқаришда маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик, эҳтиёткорлик билан иш юритди. Шунингдек, салтанат ишларини муросяю мадора, мурувват, сабр-тоқат ва чидам билан юргизди.

Давлат ишларини тўра ва тузукка (қонунга) асосланган ҳолда бошқарди.

Амирлар, аскарлар, сипоҳийларнинг хизматиға яраша уларни рағбатлантирди, мартабаларини оширди.

Адолат, инсоф-диёнат қоидаларига амал қилди.

Сайидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату-хурматларни жойига қўйди.

Ҳар бир ишга виждонан ёндашди, бошланган ишни охириға етказди.

Оддий ҳалқ аҳволидан доимо огоҳ бўлди, уларға ғамхўрлик кўрсатди.

Турли миллатлардан ўз паноҳига кирган кишиларға ҳурмат, дўстлик ҳамда мурувват кўрсатди. Ўз хатосига иқроор бўлганларнинг гуноҳларини кечирди.

Фарзандлар, қариндош-уруғларға, қўшниларға, дўстларға яхши муносабатда бўлди, уларға иззат-ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатди.

Дўсту-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳларни ҳурмат қилди. Агар ғаним сипоҳидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамға нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатди. Паноҳ истаб келганда, уни қадрлаб, ишончини қозонди, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишга ишонди.

«Кимки шу тўрт сифатға эга бўлса, ундан одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Мамлакат ишларини, сипоҳ ва раият ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирға тўрт имтиёз -ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат берилсин»,² дея таъкиланади «Темур тузуклари» асарида. Кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда ҳам бошқарувда мазкур масалалар ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

¹ Темур тузуклари. –Т.: «Ўзбекистон», 2015, 74-75-б.

² Темур тузуклари. –Т.: «Ўзбекистон», 2015, 106-107-б.